



## ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND PHARMACOLOGY

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojmp>



### STUDY OF N-DEACETYLAPPACONITINE (N-DAL) ANTICONVULSANT ACTION

**Z.I. Sanoev**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

**T.T. Khamroev**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

**I.T. Abdinazarov**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

**A.Z. Sadikov**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

**S.D. Rakhimboev**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

**S.Z. Rashidov**

Researcher

S.Yu. Yunusov Institute of Plant Chemistry

Tashkent, Uzbekistan

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** N-deacetylappaconitine, convulsions, corazole, strychnine, isoniazid, bicuculin, carbamazepine.

**Received:** 02.05.22

**Accepted:** 04.05.22

**Published:** 06.05.22

**Abstract:** In this article, we studied an anticonvulsant model induced by different analyzers of corazole (80 mg/kg s.c.), strychnine (1.2 mg/kg s.c.), isoniazid (300 mg/kg ip) and bicuculin (2.7 mg/kg s.c.) when administered orally to white mice, N-deacetylappaconitin at doses of 0.01; 0.05; 0.1; 0.5; 1.0 and 2.0 mg/kg anticonvulsant effect of the test substance, comparative drug carbamazepine and control groups. The

anticonvulsant effect of N-deacetylappaconitine, carbamazepine and the control group at various doses was studied and the necessary conclusions were drawn.

## N-ДЕЗАЦЕТИЛЛАППАКОНИТИН (N-ДАЛ) НИНГ ТУТҚАНОҚҚА ҚАРШИ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

### **3.И. Саноев**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **Т.Т. Ҳамроев**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **И.Т. Абдиназаров**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **А.З. Садиков**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **С.Д. Рахимбоев**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **С.З. Рашидов**

Тадқиқотчи

С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти  
Тошкент, Ўзбекистон

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Қалит сўзлар:** N-дезацетиллаппаконитин, тутқаноқ, коразол, стрихнин, изониазид, бикукулин, карбамазепин.

**Аннотация:** Ушбу мақолада N-дезацетиллаппаконитиннинг 0,01; 0,05; 0,1; 0,5; 1,0 ва 2,0 мг/кг дозаларда оқ сичқонларда оғиз орқали юборилганда турли анализаторлар коразол (80 мг/кг тери остига), стрихнин (1,2 мг/кг тери остига), изониазид (300 мг/кг қорин бўшлиғига) ва бикукулин 2,7 мг/кг тери остига) юбориш ёрдамида чақирилган тутқаноқ модели орқали модданинг ва солиштирма препарат карбамазепинларнинг тутқаноққа қарши фаолликлари ўрганиб чиқилди. N-дезацетиллаппаконитин, карбамазепин ва

назорат гурухларининг турли дозаларда антиконвулсант таъсири ўрганилди ва керакли холосалар олинди.

## ИЗУЧЕНИЕ N-ДЕЗАЦЕТИЛАППАКОНИТИНА (N-DAL) ПРОТИВОСУДОРОЖНОЕ ДЕЙСТВИЕ

**З.И. Саноев**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

**Т.Т. Хамроев**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

**И.Т. Абдиназаров**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

**А.З. Садиков**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

**С.Д. Рахимбоев**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

**С.З. Рашидов**

Исследователь

С.Ю. Юнусова Институт химии растений  
Ташкент, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** N-дезацетилаппаконитин, судороги, коразол, стрихнин, изониазид, бикукулин, карbamазепин.

**Аннотация:** В данной статье изучено на противосудорожное модели, вызванной разных анализаторов коразол (80 мг/кг подкожно), стрихнин (1,2 мг/кг подкожно), изониазид (300 мг/кг внутрибрюшинно) и бикукулин (2,7 мг/кг подкожно) при пероральном введении белым мышам N-дезацетилаппаконитин в дозах 0,01; 0,05; 0,1; 0,5; 1,0 и 2,0 мг/кг противосудорожное действие исследуемое вещества, сравнительное препарата карbamазепин и контрольное группы. Изучено противосудорожное действие N-дезацетилаппаконитина, карbamазепина и контрольное группы в различных дозах и

---

сделаны необходимые выводы.**КИРИШ**

Эпилепсия бутун дунё бўйлаб энг тез ривожланиб бораётган хавфли мия касалликларидан биридир. Халқаро антиэпилептик Лига (эпилепсияга қарши халқаро Лига — ИЛАЕ) комиссияси маълумотларига кўра, дунёнинг қўпчилик ривожланган мамлакатларида ҳар йили 100 минг аҳолига 50-70 та касалланиш ҳолати қайд этилмоқда [1]. Ушбу касалликнинг ҳар бир клиник шакли ўзига хос ривожланиш механизми билан тавсифланади, шунинг учун даволаш самарадорлиги кўп жиҳатдан тўғри танланган антиэпилептик терапияга боғлик. Бугунги кунда эпилепсияни даволаш учун дори заҳираси мавжуд, лекин уларнинг ҳаммаси бир хил фаолликка эга эмас ҳамда бир қатор ножӯя таъсирилари улар орқали даволаш жараёнини қийинлаштиради [2]. Шу билан бирга 15-20% bemorларда эпилепсия фармакорезистенцияси билан характерланади [3, 4, 5]. Шунинг учун юқори терапевтик фаолликка эга бўлган янги антиэпилептик препаратларни излаш зарурати мавжуд. ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан янги антиаритмик фаолликка эга бўлган бирикмалар узоқ йиллар давомида ўрганилиб келинмоқда. Ушбу изланишлар давомида юқори антиаритмик фаолликка эга бўлган аллапинин дори воситаси организмга тушгандан сўнг дезацетилланиши натижасижа ҳосил бўладиган асосий актив метаболити N-дезацетиллаппаконитинни оғиз орқали қабул қилишга мўлжалланган формасини яратиш устида олиб борилган тажрибаларда юқори антиаритмик [6] фаолликни намоён қилди. Кейинчалик ўтказилган тажрибаларда N-дезацетиллаппаконитиннинг токсикологик [7], умумий фармакологик хусусиятлари [8], марказий нерв системасига таъсири [9] ва фармакодинамик хоссалари [10] ўрганиб чиқилди. Ушбу ўтказилган тадқиқотлардан мақсад, аллапинин ва унинг актив метаболитининг антиаритмик фаоллиги асосан  $\text{Na}^+$ -каналини блокланиши натижасида амалга ошади. Шуни инобатга олинган ҳолда илмий адабиёт маълумотларига кўра,  $\text{Na}^+$ -канали блокаторлари антиаритмик фаоллик билан бир қаторда маҳаллий анестезияловчи ва тутқаноққа қарши фаолликни намоён қилиши мумкин.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

N-дезацетиллаппаконитиннинг тутқаноққа қарши фаоллигини турли моделларда тажриба ҳайвонларида ўрганишдан иборат.

Тажрибалар тана массаси 18-22 г бўлган зотсиз эркак оқ сичконларда стандарт виварий шароитида 14 кунлик карантинда сақланган ҳолдаги ҳайвонларда олиб борилди. Ҳайвонлар билан ўтказилган барча тажрибалар умуртқали ҳайвонларни химоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг халқаро тавсиялари талабларига мувофиқ амалга оширилди [11]. Ҳар бир гурӯх 6 тадан тажриба ҳайвонлари жойлаштирилди. Тажрибалар

учун ўрганилувчи модда N-дезацетиллапаконитиннинг 0,01; 0,05; 0,1; 0,5; 1,0 ва 2,0 мг/кг, карбамазепин 10; 20 ва 50 мг/кг дозалари оғиз орқали юбориб ўрганилди. Тутқаноқ юзага келиши куйидаги моделларда [12] коразол (пентилентетразол) («Sigma», АҚШ) 80 мг/кг тери остига, стрихнин 1,2 мг/кг тери остига, изониазид 300 мг/кг қорин бўшлиғига ва бикукулин 2,7 мг/кг тери остига юбориб ўрганилди. Тутқаноқ юзага келишини яширин даврини, сони, давомийлигини ва ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқилди. Ўрганилувчи модда ва референс препаратлар конвулсанлардан 60 дақиқа олдин юборилди. Тажрибалардан олинган натижалар статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишланди. Ўзгаришлар аниқлиги  $p \leq 0,05$  кўрсаткичи бўйича ҳисобланди.

*N – дезацетиллапаконитини 0,1; 0,5 ва 1 мг/кг да оқ сичқонларда изониазид орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаш.*

Тажрибалар оқ зотсиз сичқонларда олиб борилди. Ҳайвонлар 6 тадан 4 та гурухга ажратилди. Тажрибалар учун N-дезацетиллапаконитин (N-ДАЛ) нинг 0,1; 0,5 ва 1 мг/кг миқдордаги дозаларидан фойдаланилди. Тажрибалар N-ДАЛ юқоридаги дозаларда оғиз орқали юборилиб 60 дақиқадан сўнг сичқонлар қорин бўшлиғига 300 мг/кг изониазидни юбориш орқали тутқаноқ чақириш билан ўтказилди. Изониазид глутаматдекарбоксилаза ферментини блоклаб, ГАМК биосинтезини сусайтиради [13]. ГАМК-эргик медиаторларнинг тормозланиши натижасида, нейронлар қўзғалувчанлиги ошиб тутқаноқлар юзага келади. Бунда изониазид таъсирида юзага келган тутқаноқ бошланиш вақти, тутқаноқлар сони ва ҳайвонларнинг яшовчанлиги каби кўрсаткичлар аниқланди. N-ДАЛ тутқаноқ бошланиш вақти бўйича 0,1 мг/кг дозада назорат гурухига нисбаттан 5,4 дақиқа олдинроқ, 0,5 мг/кг дозада 7,4 дақиқа кейинроқ 1,0 мг/кг дозада назорат гурухи билан бир хил вақтда бошланди, тутқаноқлар сони бўйича 0,1 ва 0,5 мг/кг назорат гурухи билан бир хил натижа қайд этилган бўлса 1,0 мг/кг да назорат гурухига нисбаттан 2,41 мартаға кўпроқ тутқаноқлар кузатилди, ҳайвонларнинг яшовчанлиги бўйича эса 0,1 ва 1,0 мг/кг дозаларда назорат гурухига нисбаттан мос равища 14,4 ва 4,9 дақиқага ёки 2,33 ва 1,45 мартаға яшовчанлигини оширди, 0,5 мг/кг да назорат гурухига нисбаттан 2,8 дақиқага камайтирди. Солиширма препарат карбамазепин 20 ва 50 мг/кг дозаларда тутқаноққа қарши фаоллиги ўрганилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. N-ДАЛ ва карбамазепиннинг оқ сичқонларда изониазид орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаш

Гурухлар ва Моддалар	Дозалар мг/кг	Тутқаноқ бошланиш вақти дақиқаларда	Тутқаноқлар сони	Яшовчанлик дақиқаларда
Назорат гурухи + изониазид к/б	300	31±2,9	17±2,1	10,8±1,2
N-ДАЛ изониазид к/б	0,1	25,6±4,6	18±1,8	25,2±5,8*
	0,5	38,4±7,8*	16±2,4	8±0,9*

	1,0	31±5,6	41±7,6*	15,6±1,7*
ЕД <sub>50</sub>	0,82 мг/кг			
Карбамазепин + изониазид к/б	20	56±12,1*	9±0,9	1,3±0,1*
	50	67,2±11,8*	25±3,1*	0*
ЕД <sub>50</sub>	7 мг/кг			

Эслатма.\*Р≤0,05 назорат гурухига нисбатан

N-ДАЛни 0,1; 0,5 ва 1,0 мг/кг дозада юборилгандан кейин конвулсив фаолликдаги ўзгаришларнинг ижобий тенденциясига қарамай, изониазид билан боғлиқ клоник тутқаноқларнинг яширип даврига ва ҳайвонларнинг омон қолишига статистик жиҳатдан сезиларли таъсири кўрсатмади. Буни ГАМК рецепторлари блокаторлари сабаб бўлган бошқа тутқаноқ моделларидан фарқли ўлароқ, эпилептогенезда бошқа асаб тузилмаларининг иштироки билан изохлаш мумкин [14].

Олинган натижаларга асосланиб, N-ДАЛ 0,1 мг/кг дозада назорат гурухи ва карбамазепинга нисбатан юқори фаолликни намоён қилди.

*N – дезацетиллапаконитинни 0,05; 0,1; 0,5 ва 1 мг/кг да оқ сичқонларда стрихнин орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаши.*

Бу тест одамларда бирламчи-тарқалган тутқаноққа ўхшаш ҳолатларни юзага чиқаради [15]. Ушбу моделдаги бирикмаларнинг антиконвулсант фаоллиги глицинга сезигир рецепторларнинг бевосита фаоллашиши ва глицин ва ГАМК-эргик фаолликнинг биргаликда кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин [16]. Тажрибалар учун N-дезацетиллапаконитин (N-ДАЛ) нинг 0,05; 0,1; 0,5 ва 1 мг/кг дозаларда оғиз орқали юборилиб 60 дақиқадан сўнг сичқонлар тери остига 1,2 мг/кг стрихнинни юбориш орқали тутқаноқ чақириш билан ўтказилди. Бунда стрихнин таъсирида юзага келган тутқаноқ бошланиш вақти, тутқаноқлар сони ва ҳайвонларнинг яшовчанлиги каби кўрсаткичлар аниқланди. N-ДАЛ тутқаноқ бошланиш вақти бўйича 0,1 мг/кг да назорат гурухига нисбаттан 1,6 дақиқа кейинроқ, қолган дозаларда назорат гурухи билан бир хил вақтда бошланди, тутқаноқлар сони бўйича юқоридаги дозаларда назорат гурухига нисбаттан мос равишда 5,33; 10; 10 ва 2,85 мартаға камроқ тутқаноқлар кузатилди, ҳайвонларнинг яшовчанлиги бўйича эса 0,05; 0,1; 0,5 ва 1 мг/кг дозаларда назорат гурухига нисбаттан мос равишда 10; 40; 40 ва 20 % яшовчанлигини оширди. Олинган натижалар 2 жадвалда келтирилган.

2-жадвал. N-ДАЛ ва карбамазепиннинг оқ сичқонларда стрихнин орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаш

Гурухлар ва моддалар	Дозалар мг/кг	Тутқаноқ бошланиш вақти дақиқаларда	Тутқаноқлар сони	Яшовчанлик % ларда

Назорат гурухи стрихнин т/о	1,2	6±0,86	4	40
N-ДАЛ + стрихнин т/о	0,05	7±0,43*	0,75	50
	0,1	7±0,8*	0,4	80
	0,5	8±0,56*	0,4	80
	1,0	9±2,15*	1,4	60
ЕД <sub>50</sub>	0,16 мг/кг			
Карбамазепин + стрихнин т/о	20	8±0,24*	1	60
	50	7±0,43*	1,3	40
ЕД <sub>50</sub>	7 мг/кг			

Эслатма.\*P≤0,05 назорат гурухига нисбатан

Шундай қилиб, N-ДАЛ тутқаноқ күрсаткичлари бўйича: тутқаноқларнинг бошланиши ва сони, шунингдек омон қолиш - карбамазепинга нисбатан сезиларли даражада антиконвулсант фаоллик намоён қилди. N-ДАЛ билан даволангандан ҳайвонларда стрихнинни тери остига юбориш натижасида келиб чиқадиган тутқаноқларнинг яширин даври давомийлигининг статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгармаслиги ўрганилаётган бириманинг глицинергик системага сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатади.

*N – дезацетиллапаконитинни 0,01; 0,05; 0,1; 0,5; 1 ва 2 мг/кг да оқ каламушларида коразол орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаши.*

Тажрибалар тана массаси 180-220 г бўлган оқ зотсиз 42 та каламушларда олиб борилди. Ҳар бирида 6 тадан каламушлар бўлган 7 та гурухга ажратилди. N-ДАЛ нинг тутқаноққа қарши таъсири 0,01; 0,05; 0,1; 0,5; 1,0 ва 2,0 мг/кг дозаларда оғиз орқали юбориб ўрганилди. Коразолли тутқаноқ 30 мг/кг коразолни каламушлар қорин бўшлиғига юбориш орқали чақирилди. Коразол таъсирида юзага келган тутқаноқлар даражаси Кидлинг усулида баллар орқали аниқланди. Олинган натижалар 3-жадвалда кўрсатилган.

*З-жадвал. N-ДАЛ ва карбамазепинни оқ каламушларида коразол орқали чақирилган тутқаноққа қарши фаоллигини аниқлаши.*

Гурухлар ва моддалар	Дозалар мг/кг	Тутқаноқ балларда	% да
Назорат гурухи + 30 мг/кг коразол к/б		17,23	
N-ДАЛ + 30 мг/кг коразол т/о	0,01	10,75	37,6
	0,05	5,25	69,5
	0,1	6	65,2
	0,5	6,92	59,8
	1,0	10,5	39
	2,0	6,5	62,3
ЕД <sub>50</sub>	0,227 мг/кг		
Карбамазепин + 30 мг/кг коразол к/б	0,1	12	30,3
	1	16,5	4,2
	5	7	59,4

	10	4,75	72,4
	20	0	0
	25	13,5	21,6
	50	6,75	61
EД <sub>50</sub>	7,57 мг/кг		

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, N-ДАЛ тутқаноқларнинг яширин даврини узайтиради ва тутқаноқ давомийлигини камайтиради. Бундан ташқари, у амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган карбамазепин препаратининг турли дозаларини олган гурухларига қараганда, яшовчанлигига ижобий таъсир қиласди. Ўтказилган тадқиқотларда N-ДАЛ карбамазепинга нисбатан сезиларли антиконвулсант фаоллик намоён қилганлигини кўриш мумкин. Ўтказилган тадқиқотлар асосида N-ДАЛ нафақат кардиомиоцитларга, балки асаб ҳужайраларида ион алмашинувига ҳам таъсир қиласди деган хulosага келиш мумкин.

**Миннатдорчилик.** Ушбу мақоланинг молиялаштириш манбааси Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари асосида амалга оширилди. ЎзРФА 2022 йил тематик лойиҳаси “Табиий ва синтетик моддалар скрининги, фармакологик ўрганиш, кимёвий тузилиши ва фаоллиги ўзаро боғликлиги, биологик фаол моддалар таъсир механизmlарини ўрганиш” доирасида амалга оширилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЧХАТИ

1. The all-European standards of the help at epilepsy. Report of the commission of the International league of fight against an epilepsy (ILAE), 2004 / M. J. Brodie, P. Wolf, S. Johannessen et al. // Internat. neurol. journ. 2006, 4 (8), Access mode: <http://neurology.mif-ua.com/archive/issue-2443/article-2479/>
2. Boldyрева С. Р. Side effects anti-epileptic preparations / S. R Boldyrev, A. Y. Ermakov // Clin. Epileptology. — 2009. — № 1. — P. 23-25.
3. Avakyan G. N. Experimental and clinical approaches to treatment of epilepsy / G. N. Avakyan // «Epilepsy — diagnostics, treatment, social aspects»: materials of internat. conf. / Under the editorship of E. I. Gusev, A. B. Gekht. — M, 2005. — P. 8-9.
3. Preclinical influence of specific activity of potential anticonvulsants guidance / under the edition of acad. M. Y. Golovenko, prof. L. O. Gromov. — K.: DFC MOH of the Ukraine, 2003. — 46 P.
4. Rudakova I. G. Pharmacoresistant epilepsy can be treated / I. G. Rudakov, Belov, A. S. Kotov // Bull. of Epileptology. — 2013. — № 1. — P. 3-7.
5. Kwan P. Refractory epilepsy: mechanisms and solutions / P. Kwan, M. J. Brodie // Expert. Rev. Neurother. — 2006. — Vol. 6, N 3.- P. 397-406.

6. Sanoev Z.I., Khamroev T.T., Djaxangirov F.N., Sadikov A.Z., Sagdullaev Sh.Sh. Antiarrhythmic activity of N-deacetylappaconitine when administered orally. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2021, 25(2), стр. 2339–2346
7. Zakhidova L.T., Saidkhodjaeva D.M., Khamroev T.T., Sanoev Z.I., Tukhtasheva V.F., Rakhmanova H.A. (2021). Toxicological Characteristics Of N-Deacetylappaconitine Under Chronic Administration In White Rats. The American Journal of Applied Sciences, 3(03), 34-41. IF 5.634, <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume03Issue03-06>
8. Khamroev T.T., Sanoev Z.I., Abdinazarov I.T., Rakhimboev S.D., Rashidov S.Z. (2021). Study Of The General Pharmacological Properties Of A New Antiarrhythmic N-Deacetylappaconitine With Oral Administration. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research, 3(03), 60-64. IF 5.64. <https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume03Issue03-08>
9. Khamroev, T. T., Sanoev, Z. I., Rakhimboev, S. D., Abdinazarov, I. T., & Rashidov, S. Z. (2021). Effect of anti-arrhythmic substance N – dezacetylappaconitin on the central nervous system. ISJ Theoretical & Applied Science, 07 (99), 153-157. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-07-99-31> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS>
10. Ҳамроев Т.Т., Саноев З.И., Абдиназаров И. Т., Азизова М. А., Рахимбоев С.Д., Рашидов С.З. (2021). Экспериментальное исследование N-дезацетилаппаконитина (N-DAL) фармакодинамические и противофибрилляторные эффекты. Life Sciences and Agriculture 3 (7), 11-16
11. European Convention for the Protection of Vertebrate Animals Used for Experimental and Other Scientific Purposes, ETS №123, Strasbourg (1986).
12. Миронов А.Н. Руководство по проведению доклинических исследований лекарственных средств. Часть первая. – М.: Гриф и К, 2012. -944 с.
13. Carta M. Isoniazid-induced reduction in GABAergic neurotransmission alters the function of the cerebellar cortical circuit / M. Carta, L. Murru, E. Barabino [et al.] // Neuroscience. – 2008. – Т. 154. – №. 2. – С. 710-719.
14. Miller, J.W. Functional anatomy of pentylenetetrazol and electroshock seizures in the rat brainstem / J.W. Miller, A.C. McKeon, J.A. Ferrendelli // Annals of neurology. – 1987. – Т. 22. – №. 5. – С. 615-621.
15. Li, M. Anticonvulsant activity of B2, an adenosine analog, on chemical convulsant-induced seizures / M. Li, R. Kang, J. Shi [et al.] // PLoS One. – 2013. – Т. 8. – №. 6. – С. e67060.

16. Khatoon, H. Evaluation of anticonvulsant and neuroprotective effects of camel milk in strychnine-induced seizure model / H. Khatoon, R. Najam, T. Mirza [et al.] // Asian Pacific Journal of Tropical Disease. – 2015. – Т. 5. – №. 10. – С. 817-820.